



2016 yil "28" mart № 100

Farg'ona shahri

**Вилоят аҳолисига иссиқ сув ва иссиқлик энергиясини етказиб  
бериш меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 июлдаги “Уй-жой, коммунал хизматларнинг ўз харажатларини ўзи қоплашига босқичма-босқич ўтиш муносабати билан норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 271-сон, 2001 йил 18 апрелдаги “Аҳолига коммунал хизмат кўрсатишни такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 178-сон (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 й., 8-сон, 40-модда) ҳамда 2010 йил 28 октябрдаги “Товарлар (ишлар, хизматлар)га тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 239-сон (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 42-43-сон, 364-модда) қарорларига асосан, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 9 апрелдаги 05-5-7-сон топшириғи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2015 йил 10 сентябрдаги ММ/15-04-34-26/104-1355-сон хати ижросини таъминлаш мақсадида, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига асосан,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 9 апрелдаги 05-5-7-сон топшириғи раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2015 йил 10 сентябрдаги ММ/15-04-34-26/104-1355-сон хатига мувофиқ вилоятда иссиқ сув ҳисоблаш ускунаси ўрнатилган ва ўрнатилмаган марказлашган иссиқлик тармоғига уланган хонадонлар аҳолисига хўжалик ва санитария-гигиена эҳтиёжлари учун талаб этиладиган иссиқлик энергиясининг меъёрлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**3. Вилоятдаги иссиқлик таъминоти корхоналари раҳбарларига:**

Иссиқлик таъминоти корхоналари томонидан иссиқ сув ва иссиқлик энергияси билан таъминланган хонадонларга юқорида тасдиқланган иссиқлик энергияси меъёрларидан келиб чиққан ҳолда ҳисоб-китоблар юритиш вазибалари топширилсин.

4. Фарғона (Раҳматов), Қувасой (Зиявитдинов), Қўқон (Абдуллаев) шаҳарлари ҳокимликлари иссиқлик таъминоти корхоналарининг дебитор ва кредитор қарздорликларини камайтириш, молиявий ҳолатини соғломлаштириш, куз-қиш мавсумида аҳолини узлуксиз иссиқлик энергияси билан таъминлаш, иссиқлик тизимини ривожлантириш ва модернизация қилиш ишларини амалга ошириш юзасидан тегишли чора-тадбирларни кўрсинлар.

5. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан вилоят ҳокимининг 2011 йил 17 январдаги “Вилоят аҳолисига иссиқ сув етказиб бериш меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 8-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарор “Фарғона ҳақиқати” ва “Ферганская правда” газеталарида расмий эълон қилинсин ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

7. Белгилаб қўйилсинки, мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида расмий эълон қилингандан сўнг кучга киради.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари О.Ахмедов зиммасига юклатилсин.

**Вилоят ҳокими**

**Ш.Ғаниев**

Вилоят ҳокимининг  
2016 йил “28” мартдаги  
100- сонли қарорига  
илова

**Вилоятда иссиқ сув ҳисоблаш ускунаси ўрнатилган ва ўрнатилмаган марказлашган иссиқлик тармоғига  
уланган хонадонлар аҳолисига хўжалик ва санитария-гигиена эҳтиёжлари учун талаб этиладиган  
иссиқлик энергиясининг  
МЕЪЁРЛАРИ**

№	Иссиқлик ташкилоти номи	Ўлчов бирлиги	Ишлаб чиқилган иссиқлик энергияси меъёрлар миқдори		
			марказий иситиш хизмати 1 м <sup>2</sup> учун бир ойга	иссиқ сув таъминоти 1 м <sup>3</sup> иссиқлик учун	иссиқ сув таъминоти (ўлчов асбоби мавжуд бўлмаган ҳолда) 1 одам учун 1 ойга
1	Фарғона вилоят “Иссиқлик манбаи” ИЧДК	Гкал	0,0182	0,056	0,230
2	“Қиргули иссиқлик манбаи” корхонаси	Гкал	0,0190	0,056	0,235
3	“Қувасой шаҳар “Иссиқлик энергия ишлаб чиқариш ва сервис” ДУК	Гкал	0,0191	0,057	0,237
4	Қўқон шаҳар “Иссиқлик манбаи” ДИЧК	Гкал	0,0204	0,055	0,206
5	“Қўқонэнергомарказ” корхонаси	Гкал	0,0182	0,0555	0,2012
6	“Қўқониссиқликэнерго” корхонаси	Гкал	0,0192	0,0555	0,206